

## ҚАДИМГИ ТУРК-МОНИЙ МУҲИТИДА МАТН ИККИ ТИЛЛИЛИГИ



10.24412/2181-1784-2021-1-365-368

**Р.А. Алимухамедов,**

ф.ф.д., Тошкент давлат шарқшунослик университети, Мумтоз филология  
ва адабий манбашунослик кафедраси мудири

**Annotation.** Ancient Turkic literature has a long history. Its traditions and skills in making text have also come from ancient times. There is a tradition of making parallel (bilingual) texts in the history of making text in Old Turkic. We can find the first such works in Turkic literature before epoch of Islam. At this time, the trade, economic, social and cultural relations of the Turkic nations with neighboring nations and states intensified. As a result, texts that are created in the literature began to be produced in two (or three) languages. Making bilingual texts is connected with translation work. This article is analyzing of bilingual texts from Turkic-Manichaean literature. In article gives emergence and structure of these bilingual texts.

**Key words:** Old Turkic history of making text, parallel text (bilingual), Old Turkic literature, Turkic-Manichaean literature, literary relationships.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар орасида бир асарнинг икки тилда кўчирилган нусхалари ҳам бор. Туркий матннавислик тарихида бу ҳодиса қадим замонлардан шаклланиб келади. Матн икки тиллилиги (билингвизм) қадимги туркий адабиётининг турк-будда ва турк-моний адабий муҳитларида яратилган диний-фалсафий мазмундаги асарларда ва эпиграфик манбаларда учрайди. Матннинг бу кўринишда яратилишининг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, турк-моний ва турк-будда адабий муҳитида яратилган асарларнинг кўпчилиги ўзга тиллардан (санскрит, сүфд, хитой, тоҳар) таржималар бўлиб, улар орасида турли дуолар, тавбанома матнлари ва бошқа асарлар сақланган. Маросим жараёнида дин топинувчилари дуони аслиятда айтганлар. Шунинг билан бир қаторда, айрим ўринларда, сақланган қўлёзмаларда матннинг туркий варианти ҳам параллел битилган бўлиб, бу топинувчига айтилаётган матннинг маъносини тушуниш ва уни ўз она тилисида айтиш учун яратилган. Дуоларни аслиятда ўқиш хусусияти бошқа диний таълимотларда ҳам учрайди.

Иккинчидан, Буюк Ипак Йўлида туркий тил билан бир қаторда сүфд, хитой ва бошқа тиллар ҳам истеъмолда бўлган. Туркий тилнинг мавқеи ва уни

ўрганишнинг фойдалари тўғрисида Маҳмуд Кошғарий “Девону лугатит турк” асарида маълумот беради<sup>1</sup>.

Учинчидан, турк-будда жамоаларида санскрит тилини, турк-моний жамоаларида суғд тилини билиш аҳамиятли саналган. Чунки таълимотнинг асоси шу тиллардан таржима қилинган матнлар орқали туркий халқларга етказилган. Таълимот тарқатилган тилни билиш бошқа динларда ҳам учрайди.

Икки тилли матнлар ёзувига кўра икки хил: бир ёзувда ҳамда турли ёзувларда битилган икки тилли матнлар.

Турк-моний адабий мұхитида яратилган икки тилли матнлар орасида алқовлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар ғарб адабиётшунослигидаги *гимнларга* ўхшайди.

Икки тилли алқовлардан бири Монийга атаб яратилган бўлиб, унинг парчалари ҳозирда Берлиндаги Бранденбург академияси *Turfanforschung, Digitales Turfan-Archiv* фондида сақланаётган *Uigurische Texte* бўлимидаги U 0099, U 0100, U 0101a,b, U 0102a,b, U 0103a,c recto кўрсаткичли узиндилардан ўрин олган.

Алқов матни тоҳар ва туркий тилда, ёзуви моний хатида. Матнда алқов аввал тоҳар тилида, сўнг туркий тилда берилган. Л.Кларкнинг таъкидлашича, ушбу алқов турк-будда мұхитидаги *Buddhastotra* асарига ўхшаб икки тилли кўринишда<sup>2</sup>. Иккала матн мазмун жиҳатидан, баъзи сўзлар қўшилганини ҳисобга олмагандা, айтарли бир хил.

Алқовнинг икки тилли эканлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин: топинувчи роҳиб (ёки нифӯшак) алқовни тоҳар тилида айтиши уни Моний билан яқинлаштиrsa, унинг туркий варианти эса ўзи тушуниши, ўз тилида ҳам Монийни алқаши учун ёзилган. Яна бир тахминга кўра, алқов аввал тоҳар тилида яратилган бўлиб, вақт ўтиши билан моний роҳиблари ё бирор нифӯшак томонидан туркийга ўгирилган ва шу билан икки тилли алқов пайдо бўлган. Аслида эса, бошқа динларда ҳам ибодат, асосан дин тарғиб этилган тилда амалга оширилади.

Икки тилли алқовлардан яна бири Ой тангри ва ёруғлик маъбудасига атаб яратилган (МІК.ПІ 35a+b (ТМ 327). Алқов кўк турк хатида, қора ва қизил сиёҳда (recto 2-4, verso 5). Матн туркий ва эроний тилларнинг бирида аралаш берилган. Туркий матндан маъно чиқариш мумкин. Лекин кўк турк хати эроний тилнинг фонетик қурумини ўзида акс эттира олмаслигини ҳисобга олинса, эроний тилдаги матндан бирор маъно чиқариш мушкул.

Бундан ташқари, турк-моний мұхитида яратилган “Ирқ битиги”да ҳам матн икки тилда: туркий ҳамда хитой тилида. Хитойча матн асарнинг бошида ва охирида келтирилган. Асарнинг асосий қисмида туркий матн битилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. З томлик. I том. Тошкент. “Фан” нашриёти. 1960. 43-44 бет.

<sup>2</sup> Larry Clark. Uygur Manichaean Texts: Volume II. Liturgical Texts: Texts, Translations, Commentary. Corpus Fontium Manichaeorum: Series Turcica II. Turnhout: Brepols Publishers, 2013. p. 184.

<sup>3</sup> Қаралсин: *Talat Tekin. Irk Bitig: The Book of Omens*, Harrassowitz Verlag, Wiesbaden. 1993.

Матн икки тиллилиги ҳодисаси бутун матннинг икки тилда бўлиши билан бир қаторда, матннинг бир қисмида ёки уни тўлдирувчи жумла сифатида ҳам келиши мумкин. Масалан, Тонг тангри шарафига битилган алқов қўлёзмасида, алқовдан аввал суғчада *vam vağinpiŋ paš*, яъни “тонг тангрига алқов” деб ёзилган. Худди шу матн давомига битилган бошқа бир алқовнинг бошида *vağ rāšan zavar žiriftpiŋ paš* сўзи ёзилган. Уни ўзбекчага “ёруғ, кучли, билга тангри алқови” деб таржима қилиш мумкин.

Эпиграфик ёдгорликлар орасида Иккинчи турк хоқонлиги даврида яратилган Кул тигин (732) битиги туркий ва хитой тилида битилган. Ёдгорликнинг хитойча матни хитойликларга Кул тигиннинг қилган ишлари ўрнак бўлсин деб, шу қатори уларга ўз куч-қудратини кўрсатиш учун тикланган.

Уйғур хоқонлиги даврида яратилган Севрей (763) ёдгорлиги ҳам икки тиллидир. Унда матн туркий ва суғдий тилда битилган. Олимларнинг фикрича ёдгорлик монийлик муҳитида яратилгани учун суғдий матнга эга<sup>4</sup>.

Эпиграфик манбалар орасида матн уч тиллилигини ҳам учратиш мумкин. Уйғур хоқонлиги даврида, монийлик расмий равишда давлат дини сифатида қабул қилингандан сўнг яратилган Қорабалғасун (821) ёдгорлигининг 3-битигида матн уч тилда: туркий, суғдий ва хитой тилида битилган. Матнлар бир-бирини айнан тақрорламаслиги<sup>5</sup> улар уч муаллиф томонидан битилган деган хulosага олиб келади. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Давлатнинг расмий тили туркий бўлган. Моний динининг туркий халқлар орасига суғдийлар олиб кирганликлари сабабли ёдгорликка суғдча матн киритилган. Хитойча матннинг яратилиши эса ўша даврда шарқда асосий савдо-иктисодий алоқалар хитой билан олиб борилгани сабабидир.

Юқорида санаб ўтилган эпиграфик матнларнинг вариантлари бир-бирини айнан тақрорламайди. Яъни бир матн ўзга тилларга ўгирилмаган. Чунки бошқа тилдаги матнлар турли битувчи-котиблар томонидан ёзилган. Шундай бўлишига қарамай улар бир мақсадга йўналтирилган, уларнинг мавзу доираси бир. Жумладан, Кул тигин битигининг ҳар иккала матнида саркарданинг юришлари, унинг эл-улус олдидаги қилган хизматлари баён этилган. 3-Қорабалғасун ёдгорлигида эса Уйғур хоқонлиги даврида монийликнинг амалда бўлиши, тарихий жараёнлар акс этган.

Матн икки тиллилиги қоғозга битилган манбаларда ҳам учрайди. Жумладан, турк-моний адабий муҳитида яратилган икки тилли матнлар ичида алқовлар алоҳида аҳамиятга эга. Икки тилли алқовлардан бири Моний шарафига тўқилган бўлиб, матн тоҳар ва туркий тилда, моний хатида битилган (*ylaiñiktense mukur ram • [xormuzta] täyri[niŋ diđim] t[äg •] bramñiktense pässak*

<sup>4</sup> Кляшторный С.Г., В.А. Лившиц. Сэврэйский камень. // Советская тюркология. Баку. 1971. №3. 110 стр.

<sup>5</sup> Содиков Қ.П. Қорабалғасун ёдгорликларининг туркий матни ва уйғур хоқонлиги даврида тарихий-монументал матн тузиш анъанаси. – Хитой ва Марказий Осиё халқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон. Тошкент, 2004. 24- 6.

*ram • [azruwā] [täŋ]rini]η [pässak täg •]).* Матнда алқов аввал тоҳарчада, сўнг туркий тилда берилган.

Тоҳарча матн  
*lkāsi śuke pidär-mani*  
*tusa tusa pällāmar*

Туркий таржимаси  
*körgäli toqılığ qaqım mani*  
*burxan*  
*anïn anï üzä ögä yükünür män*

Л.Кларкнинг таъкидлашича, ушбу алқов турк-будда муҳитидаги *Buddhastotra* асарига ўхшаб икки тилли қўринишда<sup>6</sup>. Иккала матн мазмун жиҳатидан, баъзи сўзлар қўшилганини ҳисобга олмагандা, айтарли бир хил.

Илк ўрта асрларда туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда суғд ва хитой тили қўлланишининг тарихий илдизлари бор. Туркий халқлар суғдлар, хитойликлар билан қадимдан савдо-иктисодий алоқалар олиб борган. Шу билан бирга икки тиллилик ҳудуд билан ҳам боғлиқ. Масалан, туркий ҳудудда суғд тили суғд аҳоли яшайдиган ҳудудлардагина, уларнинг ўзаро муносабатларида қўлланилган.

Матн икки ёки кўп тиллилиги, афтидан туркий матнавислик тарихи учун бегона эмас: ушбу анъана қадимда пайдо бўлган бўлиб, илк ўрта асрлар унинг чўққига чиққан палласи саналади. Унинг сақланган намуналари илк ўрта асрларга тегишли. Кунимизгача етиб келган икки ва кўп тилли асарлар, эпиграфик матнлар диний-фалсафий мазмунга эга. Шу билан бирга, матнларда таржима турларини кузатиш мумкин: сўзма-сўз таржима ёки умумий маъно таржимаси. Бу таржимачилик ўтмишда яхши ривожланиб, унинг усувлари ўша даврларда ёқ тармоқларга ажralганини билдиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Larry Clark. Uygur Manichaean Texts: Volume II. Liturgical Texts: Texts, Translations, Commentary. Corpus Fontium Manichaeorum: Series Turcica II. Turnhout: Brepols Publishers, 2013.
2. Talat Tekin. Irk Bitig: The Book of Omens, Harrassowitz Verlag, Wiesbaden. 1993.
3. Кляшторный С.Г., В.А. Лившиц. Сэврэйский камень. // Советская тюркология. Баку. 1971. №3. 110 стр.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. З томлик. I том. Тошкент. “Фан” нашриёти. 1960.
5. Содиков Қ.П. Қорабалғасун ёдгорликларининг туркий матни ва уйғур хоқонлиғи даврида тарихий-монументал матн тузиш анъанаси. – Хитой ва Марказий Осиё халқларининг маданий, адабий, тил алоқалари: ўтмиш ва ҳозирги замон. Тошкент, 2004.

<sup>6</sup> Larry Clark. Uygur Manichaean Texts: Volume II. Liturgical Texts: Texts, Translations, Commentary. Corpus Fontium Manichaeorum: Series Turcica II. Turnhout: Brepols Publishers, 2013. p. 184.